

**“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти
ягона акциядорининг 3-сон
ҚАРОРИ**

2021 йил 19 май

Тошкент шаҳри

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг барча овоз берувчи оддий акциялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартдаги 170-сон “Навоийуран” давлат корхонаси, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ва “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масала юзасидан қабул қилинди:

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан:

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши ва Бошқаруви фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Уставига тегишли ўзгартишлар киритилиши таклиф этилади.

Жумладан, Кузатув кенгашининг аудит кўмитаси, тайинлаш ва рағбатлантириш кўмиталари раҳбарлари ва аъзоларининг катта қисми мустақил аъзолардан ташкил топиши кераклиги тўғрисидаги банд чиқариб ташланиши ҳамда “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг асосий раҳбарлари номзодларни келишиш ваколати Кузатув кенгашига ўтказилиши.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Ягона акциядори, қарор қилади:

1. “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг янги

тахрирдаги Устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси К.С.Санакуловга янги тахрирдаги Уставини тегишли давлат идораларида рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга ошириш топширилсин.

Вазир



Т.Ишметов